



ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСII ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 143 (9.487) 2000 йил 4 декабрь, душанба Сотувда эркин нархда

МДХ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ УЧРАШУВИ

Хабар қилингандек, 1 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) Давлат раҳбарлари кенгашининг Беларусь пойтахти Минск шаҳридаги мажлисида иштирок этди.

МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида олдин Ислам Каримов Россия Президенти Владимир Путин ва сўнгра Беларусь Президенти Александр Лукашенко билан алоҳида-алоҳида мулоқот бўлди. Учрашуларда ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш, МДХ доирасида ҳамкорлигини, айниқса, иқтисодий ҳамкорлигини кучайтириш масалалари хусусида сўз борди.

Шундан сўнг МДХ делегацияларнинг аввал тор доирада, кейин кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокараларда Минск саммити кун тартибидан жой олган барча масалалар атрофида муҳокама қилинди. Мамлакатимиз раҳбари муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистоннинг ёндашуви ва қарашларини баён қилди.

Учрашуларда МДХ доирасида аксилтерор маркази тузиш, ғайриқонуний йўллар билан топишган пулларни қонунийлаштиришга қарши курашиш, Ҳамдўстлик доирасида қабул қилинган, лекин ишламаётган ҳужжатларни бекор этиш масалалари кўрилди. (УЗА).

8 декабрь —
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси кuni

БАЙРАМ МУШОИРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳар туманларида 5-6 декабрь кунлари юртимизнинг танлики ёзувчи ва шоирлари билан мушоира ва учрашувлар бўлиб ўтади.

Ушбу тадбир шаҳар ҳокимлигининг халқимизнинг умумхалқ байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тадбирлари доирасида ўтказилади. Давлат ва жамоат ташкилотларида, маҳаллаларда, ўқув муассасаларида бўлиб ўтадиган ушбу мушоираларда Ўзбекистон халқ шоирлари, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов,

Муҳаммад Юсуф, Ойдин Ҳожиёва, Нормурод Нарзуллаев, Хуршид Даврон, Усмон Азим ҳамда элимизнинг севимли шоирлари Сирохиддин Саййиди, Турсунбой Адашбоев, Зулфия Мўминова, Султон Жаббор ва бошқалар иштирок этадилар.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати.

ИФТИХОР

Мавжуда АЛИМОВА,
Федорович номи клиник санаторий бош шифокорининг ўринбосари, доцент:
— Мамлакатимизнинг Асосий Қонуни, унинг ҳаётимиздаги тугган ўрни, улкан аҳамияти хусусида фикр билан сузлаш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида қайд этилгандек: «Хар бир инсон малакали табиий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга».

Халқимиз саломатлигини тиклаш, муҳофиза қилиш биз табиий ҳодимларнинг ҳам эзгу ниятимиздир. Ҳозирги кунда клиник санаторийимизда республикамизнинг турли вилоятларидан ишчи, хизматчи, деҳқон ва бошқа отахону онахонлар келиб дам олиб, соғлиқларини ҳам бир йўла мустақкамламоқдалар. Уларнинг довланишлари учун бу ерда ҳамма шарт-шароитлар муҳайё. Дам олувчилар қўрсатилган гамҳўрликдан доимо миннатдорлар.

Нафиса СОДИҚОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори, профессор:
— Конституциямиз жаҳондаги демократик Асосий Қонуналардан бири эканлиги, шунингдек аввалгисидан жуда катта фарқ қилиши билан ажаниқтирилади. Конституцияда белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқ ва бурчларимизни доимо ҳурматлашимиз ва қадрлашимиз зарур. Конституциямизнинг XI боб, 49-моддасида «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб, асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликларини давлат муҳофазасида» дейилган. Ха, ҳақиқатан халқимизнинг ўтмишидан бизгача етиб келган тарихий, миллий ва маданий меросини кўз қорачиқдек асраш, янада бойитиш, қайта тиклаш ҳаммамизнинг бурчимиз. Масжид ва мадрасалар, музейлар, уларда сақланаётган ноёб осори-аталиклар, экспонатлар, буюмларни янада қадрлашимиз, авайлашимиз керак. Улар бизга улғу аждодларимиз, аллоҳларимиз, ота-боболаримизнинг эслатиб туради. Қолаверса, уларнинг руҳлари шод бўлади.

Мохичебра КАРИМОВА,
1-Тошкент Давлат табиёт институтининг 6-курс талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзод:
— Биз ёшлар Ўзбекистон Республикаси Конституция-

сини қайта-қайта ўқиймиз, ундаги ҳар бир боб ва моддаларда қайд қилинган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини чуқур ўрганганмиз. Айниқса, биз ёшлар учун Конституция-мизнинг 41-моддасида «Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим-олиш давлат томонидан қаролатилган» дейилган. Ушбу қонданнинг ҳаётдаги ифодаси, айниқса Юртбошимизнинг ёшлар, жумладан талабаларга кўрсатаётган беқисс гамҳўрликларидан бошимиз кўкка етмоқда. Энг уюнарлиси, ҳар йили юзлаб талабаларнинг хорижда ўқиб, ўз билимларини ошириши учун янада кенг имкониятлар яратилаётгани, шаҳримизда қўлаб олий ўқув юртилари, коллеж ва лицейларнинг тобора кўпайиб бораётгани фикримизнинг яққол далилидир. Биз ёшлар шундай фаровон, мустақил Ўзбекистон фуқароси эканлигимиздан фахрланамиз. Менинг ниятим келажакда олий тоифали шифокор бўлиб етишим, жамиятимизда соғлом фикрли ва ҳиссонан бақувват авлод камол топиши йўлида халқимизга хизмат қилишим.

Эгамназар ҲОЖИ КОДИРОВ,
Юнусобод туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласининг фахрий оқсоқоли:
— Мана Мустақилликка эришганимиздан сўнг қанчадан қанча улкан утуқлар, муваффақиятларга эришдик. Байрамларимиз кўп. Хар йили 8 декабрь—Ўзбекистон Конституцияси кунини байрам сифатида нишонлаймиз. Чунки Конституциямизнинг асосий максими Ватанга, оилга, ота-онага меҳр-муҳаббатли бўлиш, фидойи бўлишга ундайди, инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишди. Хар бир инсон тенг ҳуқуққа эга экан, жамиятимизда оқсоқиллик, мен манга 31 йил маҳаллага оқсоқиллик қилдим. Фақат хайрли, эзгу ишларга бош бўлдим. Оллоҳга шукр, хизматларим зое кетмади. Бу йил кўплар қатори мен ҳам «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирландим. Бундан бениҳоят хурсандман. Халқимизга чексиз гамҳўр ва меҳрибон Юртбошимизга минг раҳмат.

Мана бу йилги Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллик байрамнинг энг улғу, энг муборак Рамазон ойига тўғри келгани қувонарли, албатта. Шу боис мана шу улғу айёмлар билан кўплайман. Ҳаммаларига тинчлик-омонлик, бахт ва омад тилайман.

Дилором ИКРОМОВА ёзиб олди.

Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси олдига турган муҳим вазифалардан бири бу — акцияларни, улушларни ва бошқа мулк ҳуқуқларни сотиб олишда монополияга қарши қонунийлик талабларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлашдир.

Ушбу назоратни олиб боришда ноҳалол рақобатчилар томонидан бозорларни, биринчи гада истемол товарлари бозорини монополаштиришга қаратилган барча ҳаракатларига барҳам берилиши керак.

Бозор инфраструктураси ва рақобат муҳитининг жадал тарзда шаклланишига ёрдам берувчи ислохотларнинг чуқурлашуви ва иқтисодий таъминлашдан холи қилишга қаратилган тадбирлар амалга ошириладиган бугунги кунда Президентимиз Ислам Каримов тақдирлаганидек «Бозор иқтисодий талабларига жавоб берадиган, умум қабул қилинган нормалар ва қондаларни, рақобат билан боғлиқ бўлган қонунийлик талабларини амалга оширишни таъминлайдиган самарадор, рақобатлантирувчи ва чекловчи омилларнинг барчасидан фойдаланган ҳолда тизим яратишимиз керак».

Хусусийлаштириш дастурларининг бажарилиши

«БРОКЕР» МАЪЛУМ ҚИЛСИН...

биржадан ташқари бозорларда сотилади. Бунда баъзи бир алоҳида олинган инвесторлар хабарлари бўлмаганлиги сабабли ёки монополияга қарши қонунийлик талабларини писанд қилмаган ҳолда эмитентнинг 35 фонзидан зиёд акцияларнинг эгаси бўлиб олмақдалар.

«Товар бозорларида монополиялик фаолиятини чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига биноан шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан ҳўжалик субъектининг 35 фонз акцияларини сотиб олиш имконияти (ол-

реестрига олинган корхоналар, табиий монополия субъектлари ҳамда шаҳар бозорига фаолият кўрсатаётган ҳўжалик субъектлари акцияларининг сотиб олишини кўриб чиқадди.

Шахс, шахслар гуруҳи томонидан бирон бир эмитентнинг 35 фонздан ортиқ акцияларини сотиб олишга рухсат қимматли қозғалар битимини рўйхатга олинишидан олдин олиниши керак. Акс ҳолда битим қонуний кучга эга бўлмаган деб ҳисобланиши мумкин.

Юқорида қайд этилган би-

тимлар бўйича барча керакли маълумотлар брокер-сотиб олувчи томонидан шаҳар ҳудудий бошқармасига юборилиши шарт.

Жорий йил бўйича Депозитарийда ўтказилган инвентаризация материаллари бўйича 11 та битим монополияга қарши органининг рухсатисиз тузилган бўлиб, бу ҳол инвесторни мураккаб вазиятга солиб қўйди.

Битим тузиладиган вақтда, қимматли қозғаларнинг олди-сотдиси ва битимларини рўйхатга олишга тааллуқли олувчи муассасалар, сотиб олувчини монополияга қарши органининг рухсатини олиш учун юбормайдилар.

«Товар бозорларида монополиялик фаолиятини чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонун талабларини бажариш бўйича муассасалар ўртасидаги ўзаро бир-бирини тушуниш муносабатларининг йўқлиги, баъзи бир инвесторларни тузган битимларнинг аввалиги ҳолатига қайтаришга мажбур қилади.

Иззатулла ЖОНИҚУЛОВ,
Тошкент шаҳар ҳокимлиги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси ходими.



Зарофат Раҳматованинг «Юлдуз» ҳиссадорлик жамиятида тикувчи-моторчининг шогирди сифатида фаолият бошлаганига ҳам кўп йиллар ўтди. Ҳозирда ушбу моҳир ва тажрибали тикувчининг ўзи қўлаб шогирдларни етиштирмоқда.

СУРАТДА: тикувчи Зарофат Раҳматова иш устида. Эркин Ботиров олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН — БАВАРИЯ МАРКАЗИ

Германия Федерал ерининг «Гарб-Шарк менежмент Трайнинг» маркази йирик халқаро ташкилотлардан бири сифатида кенг танилган. Марказ ўзининг ўн йиллигини нишонлади.

Шу муносабат билан марказ Тошкент Давлат иқтисодий университети билан ҳамкорлик шартномасини тўзди. Малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда кўмаклашишга қаратилган бу ўзаро келишув асосида нуфузли марказнинг Тошкентдаги ваколатхонасини очилга ҳам эришилди.

Ўзбекистон — Бавария менежмент Трайнинг Тошкент маркази сифатида ҳам фаолият кўрсатади.

Бу марказ Баварида ўзбекистонлик мутахассислар малакасини ошириш масалалари билан ҳам шуғулланади.

Бундай маърифий тадбирлар Бавария маркази маблаг ҳисобидан амалга оширилади.

Аҳад АЪЗАМОВ.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида АНИҚ ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида йўлларда ҳаракатланмиш хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, йўлларда ҳаракатланмиш хавфсизлигини таъминлаш Тошкент шаҳар комиссиясининг раиси Рустам Шоабдурахмонов бошқарди.

Кун тартибидаги дастлабки масала — пойтахт кўчалари, йўл ишоотлари ва темир йўл кешималарини кузги текширувдан ўтказиш натижалари ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш тўғрисида Тошкент шаҳар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси йўл назорати бўлими бошлиғи Ботир Ҳамроқулов сўзга чиқиб, пойтахтда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётган камчилик ва муаммоларни батафсил таҳлил этган ҳолда уларни тўзатиш борасида ўз тақлифларини баён қилди.

Тошкент шаҳрида болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича 1998-2000 йилларга мўлжалланган дастурнинг бажарилиши ва иш натижалари тўғрисида, автотранспорт воситаларининг конструктив хавфсизлиги,

техник ва экологик ҳолатларини текширишнинг аҳоли тўғрисида ҳамда Юнусобод туман ҳокимлиги ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг фаолияти юзасидан сўзга чиққан тўғрилик келиб чиққан ҳолда шаҳарга кирверишда юк автомобилларини ювиш нукталарини ташкил этиш, йўл ҳаракатини автоматлаштирилган тарзда бошқариш тизимини қўлайтириш, ёниқли сифатини текширишга бошқа ташкилотларни жалб этиш, шаҳарда махсус автотрол курилишини амалга ошириш лозимлиги бугунги кундаги энг долзарб масалалардан эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Йиғилиш сўнггида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш мuddатлари белгиланди. Ёшлар билан боғлиқ ва тақлифлар умумлаштирилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгашининг мажлисида асосий масала сифатида Кенгашининг хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш ва ривожлантиришдаги ролини янада ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.
- Вазиранг Маҳкамасида 2001 йилда ҳаж зиёратини ташкил этиш ва ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Шу билан бирга, йиғилишда Тошкент шаҳрида шу йил 15-18 декабрь кунлари бўлиб ўтадиган Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунларини ўтказишга доир масала ҳам кўриб чиқилди.
- Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юрти ректорлари республика кенгашининг йиғилиши ёшлар олдига миллий истиқлол госясини шакллантириш масаласига бағишланди.
- «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамда АҚШнинг «Procter & Gamble» компанияси ўртасида ҳамкорлик натижасида «Соғлом авлод» Давлат дастури асосида 2000-2001 ўқув йилига мўлжалланган ўқув-соғломлаштириш дастури тайёрланди. Ташқи ишлар вазириликнинг маросимлар залида ушбу дастурлар ва ўқув қўлланмаларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.
- Халқаро ногиронлар кўни муносабати билан республикамиз ва унинг пойтахтида қўлаб тадбирлар, спорт муносабатлари бўлиб ўтди. Пойтахтимиздаги Темирйўлчилар маданият саройида ўтказилган тадбир унинг иштирокчилари қалбига айниқса бир олам қувноқ бағишлади.
- Андижон вилоятида декабрь ойининг биринчи ўн кунлиги хайрия кунлари деб эълон қилинди.
- Пойтахт вилоятининг Қўрай туманида жойланган Ўзбекистон-Болгария «Лоренадон» қўшма корхонасида макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.
- Эртага Тошкентда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури: ислохотлар натижалари ва истиқболлари» мавзусида иккинчи халқаро илмий-амалий анжуман ўз ишини бошлайди. Анжумани ўтказишдан мақсад — тўб ўзгаришлар жараёнини ўрганиш ва муҳокама қилиш, тегишли тавсиялар тайёрлашдан иборат.

ЖАҲОНДА

- Бугун Молдовада президентлик сайловларининг иккинчи босқичини ўтказиш белгиланган.
- Франция Президенти Жак Ширак ва Германия канцлери Герхард Шредер шанба кун Ганноверда ўтказилган музокараларда Европа Иттифоқи вазиранг кенгашига овозларини бўлиш тўғрисидаги масала хусусида бир тўхтама кела олмадилар.
- Кеча Москвадан Петербургда янги экспресс йўли олди. Экспресснинг йўлга сарфлайдиган вақти 4 соат 20 дақиқада.
- Эртага Россия билан Грузия ўртасидаги визали тартиб кўнга қиради.
- Қозғоғистонда ногиронларнинг норасмий уюшмаси ташкил этилди.
- Бугун Япония ҳарбий-денгиз флотининг собиқ ходими Ҳагисакнинг суди бошланиши керак. Япония бош прокуратурасининг маълум қилишича, у бир неча йиллар мобайнида 170 дан зиёд махфий ҳужжати Россия элчихонасининг ҳарбий атташесига пуллаган. Ҳагисакнинг ўзи Россияга мамлакат мудофаа сирларини сотганини тан олди.
- Кеча Ироқ маъмурилар собиқ СССРнинг тўртта республикаси — Украина, Беларусь, Қозғоғистон ва Озарбайжонда ўз элчихоналарини очиш режасида эканлигини айтди.
- Панама хавфсизлик қўчалари томонидан қўбга олинган халқаро террорчи Луис Посада Карилес Куба Президенти Фидель Кастрога суиқасд уюштиришга тайёргарлик кўрганини тан олди. Бу суиқасд Иberoамерика минтақаси давлатлари раҳбарларининг 17-18 ноябрь кунлари Панамада ўтган учрашувида амалга оширилиши лозим эди, деди жияноқчи. Асли келиб чиқishi кубалик бўлган Л. П. Карилес мазкур саммит бошланишидан бироз олдин қўлга олинган.
- Грецияда Болқондаги этник муаммоларга бағишланган конференция бўлиб ўтди.
- Кеча Американинг кўп марта фойдаланиладиган «Эн-девор» космик кемаси халқаро космик станция билан тўташди.
- Киевда ўтказилган Чернобыль ядро фалокати қурбонлирга нафақаларни қисқартиришга қарши қаратилган намойишда 15 мингга яқин киши иштирок этди.
- Мисринг Исроилдан қақриб олинган элчиси Мухаммад Басюний ўзининг Тель-Авивга қайтиши учун яқудийлар бир неча шартни бажариши лозимлигини маълум қилди. Исроил ҳарбийлари Фаластинга нисбатан эўра-воликни дарҳол тўқтатиши, томонлар ўртасида ўзаро ишонч қарор топиши ва тинчлик музокараларининг тикланиши, шунингдек, Фаластин ерлари БМТ резолюциялари асосида қайтариб берилиши зарур, деди элчи.
- Яқин Шарқда вазият кескинлашаётганлиги Исроил ҳукуматида танглики юзага келтирмоқда. Бош вазир Эхуд Барак мамлакатда мuddатидан аввал парламент сайлови ўтказилишига рози бўлди. Бош вазир Исроил кнессетда парламент тартибни юбориш бўйича қонун лойиҳасига овоз бериш олдидан сўзга чиқиб, «Сиз сайлов ўтказишни истасангиз, мен тайёрман», деди. Шунингдек, у ўзи бошқараётган ҳукумат муҳолифатдаги «Ликуд» партияси билан биргаликда бўлажак парламент сайлови ўтказиладиган кунини белгилаб олишини маълум қилди. Сайлов келаси йилнинг апрелидан ноябрь ойигача бўлиб ўтиши мумкин.
- Югославиянинг янги Марказий банки раиси М. Жинкич мамлакатнинг собиқ президенти С. Милошевични хориждаги ҳисобга миллиард долларни ноқонуний тарзда ўтказганликда айблади. Жинкичнинг сўзларига қараганда, ушбу пуллар Милошевич ҳокимият тепасида турган пайтда Кипр ва бошқа бир қатор мамлакатларга ўтказилган.
- Ҳитойнинг жанубидаги Гуандонь вилоятидаги супер-маркет магазинининг қўлаб тушиши оқибатида қандайдир 10 киши ҳалок бўлган ва ўнларча киши жароҳатланган.
- Хитойда биринчи бор одамсимон робот яратилди. Унинг бўйи 1,4 метр, оғирлиги эса 20 килограммдир. Мутахассисларнинг таъкидлашича бу робот инсонга ҳос айрим ҳаракатларни бемалол баҳарга олади. Келажакда бу темир «мавжудот»дан инсон соғлиги учун зарарли ва оғир ишларда фойдаланиши мумкин.
- Одам танасининг энг баланд ҳарорати қаерда қайд этилганлиги ҳабардоримиз? Тана ҳарорати 46,5 даражага кўтарилган американик Вилли Жонс худлик билан қалсалхонага етказилган. Беморга кўрсатилган муолажалардан сўнг 24 кун ўтган у уйига қайтган.


ТОШКЕНТ ОҚШОМ газетасига 2001 йил учун **обуна давом этмоқда!**


Шаҳримиздаги барча алоқа бўлимларида «Оқшом»га ёзилишингиз мумкин.

Вақтингиз ганимат билиб газетасига обунани ўз вақтида расмийлаштириб қўйсангиз 2001 йилдан, XXI асрнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб бораверади.

Нашр кўрсаткичларимиз шундай:

Якка обуначилар учун — 209
Ташкилотлар учун — 563





«ОҚШОМ» АХАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий судида бир гуруҳ террорчилар устидан олиб борилган суд жараёни якуни тоғанидан бундан орадан икки ҳафталик муддат ўтган бўлса-да, ҳамшаҳарларимиздан тахририятимизга ўшбу суд жараёни юзасидан келатган маълумотларнинг кети узилмаётгани йўқ. Муаллифлар ўз хатларида суд адолатли ҳукм чиқарганини баён этган ҳолда ўз муносабатларини билдиришган.

даларга нисбатан эълон қилинган суд ҳукмининг одил ва адолатли эканлигининг шохиди бўлди. Ўшбу ҳукм халқимизнинг бағрикенг ва кечиримлилиги, сўбатишга нақадар адолатли эканлигини яна бир бор намоён этди.

дас заминни ҳимоя қилишга ҳозир ҳозир турмиш». Юнусободлик кекса онахон Фазилат Ҳақимовадан келган ўшбу мактубни хаяжонланмасдан ўқиб бўлмайди.

«Ватан муқаддас, унинг тупроғи табарруқ. Эрта баҳор эрга қадалган чўпни келгуси йили дархат қилиб ундириб берадиган бу кўёшли ўлкани оёқости қилмоқчи бўлганларга минг лаянат. Бу юртининг мустақам эшиги, халқпарвар йўлбошчиси бор. Унинг бағрикенг, меҳрибон халқи бор. Эртаю кен ниёт қиламан, илоҳим юртимизни ёмон кўзлардан асрасин, унга қора ниёт билан тикилганлар ер билан яқсон бўлсин. Ватан хоинлари эса умр буйи шу дўбнинг бир томчи зилол сувиغا, бир сиким тупроғига зор бўлиб ўтсин.

Юқоридаги фикрларга ҳулоса тарзда Захриддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг қуйидаги мисраларини келтиришни ўринли деб тоғдик:

Хар қилми вафо қилса, вафо топгусидир,
Хар қилми жафо қилса, жафо топгусидир.
Бунга ортиқча изохнинг эса ҳоҳати йўқ.

Маҳмуд ОРИПОВ.

Муносабат АДОЛАТЛИ ҲУКМ

— Мен ўшбу суд жараёнини кузатиб бордим. Террорчилар томонидан халқимиз бошига солинган қулфат ва айриқсоний жинойишларни қўриб, уларга нисбатан нафратим ошиб кетди, — деб ёзди Мирзо Уллубек номидаги маданият ва истироҳат боғининг директори, Ўзбекистонга хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир Султонов. — Террорчиларнинг миллати ва дини бўлмайди. Улар дунёнинг қайси жойида бўлмасин, инсоният бошига фалокат ёғдириб, бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлади. Юртимиздан чиққан, муқаддас динимизни қора ниётда юзларига никоҳ қилиб олган Ватан хоинлари ҳам ўшаларнинг бир қўриши. Судда гувоҳлик берган жаҳонийликларнинг аламли сўзларини тинглай туриб: «Наҳотки улар шунчалик тубанликка боришган бўлсалар?» дея хай-

ратга тушдим. Қолаверса, ўшбу суд жараёни бизни яна бир бор огоҳликка давват этиб, хушёрликка чоғлади. Тошкент шаҳар Маданият ишлари бosh бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдурасул Абдуғаниев эса жамоасининг фикрини баён этиб шундай ёзди: — Бизнинг ходимларимиз ҳам барча қатори Сурхондарё вилоятининг Сароиси ва Узун туманлари, Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани ҳудудларида ҳамда 1999 йил 16 февралда шахримизда содир этилган қўпуровчилик ҳаракатларини ва яна бир қанча ўта оғир жинойатларни ташкиллаштирган ва уларни содир этишда бевосита иштирок этган бир гуруҳ газан-

Фундаментал тадқиқотлар дастури бўйича баҳарилган илмий ишлар натижалари ҳам қувонарли бўлди. Кўп фазали муҳитларда фазалараро механик ва термодинамик тасвирларни ҳисобга олган ҳолда гидродинамик моделлари тузилди. Одий ва мураккаб тармоқли иншоотларни сейсмик куч таъсирига бардош беришни тадқиқ этиш алгоритми ишлаб чиқилди. Юзаси эгри чизикли тизимлардаги уланишларнинг бир-бирига таъсирининг динамик моделлари ва алгоритми ҳам яратилди. Халқаро дастур лойиҳаси асосида олиб борилаётган тадқиқотлар институт нуфузини оширишда муҳим омили бўлмоқда. Жумладан, халқаро НАТО гранти эса Тошкент ва Бешкекда сейсмик хавфни баҳолаш ва қамайтиришга доир тадқиқотларга қўл уриш имконини берди.

Луқма АСАББУЗАРЛИК ДАВОМ ЭТАВЕРДИМИ?

Биз, Чилонзор тумани Ал-Хоразмий, Бўстон, Гулистон, Қизил-Шарк ҳамда Акмал Икромов тумани 30 ва 31-маъмурият ўзини-ўзи бошқариш маҳалла кенгашилари фаолияти ишларини маълум қиламизки, охириги ойлари, анқорини сентябрь-октябрь ойлари мобайнида Ал-Хоразмий маъмурият шаҳар маркази, аэропорт, таллаблар шаҳарчаси билан боғловчи 13, 69, 74, 87, айниқса, 94-йўналишда бўйча қатновчи автобуслар ишлашда кескин узилишлар содир бўляпти. Кундан-кунга уларнинг қатнови кўнрақсиз аҳолга тушиб бораёпти. Шу боисдан юқорида қайд этилган мавзелада истиқомат қилувчи ишчи-хизматчилар, талабалар, мактаб ўқувчилари ва ўқувчилар ўз хизмат ҳамда ўқиш жойларига кечикиб бормоқдалар.

Эрталаб ва кечки пайт тиклини автобусларда хар хил асаббузарлик содир бўлмоқда. Йўналишдаги автобусларнинг оралик вақтларига энг тизиз вақтларда, айниқса эрталаб соат 7-9 ларда ҳамда кечки соат 17-20 ларда атрофда эътибор берилмаёпти.

«Ал-Хоразмий» назимонаси ходимларига бир неча бор қилинган мурожаатларга қарамай, ҳеч бир ижобий сиклиш бўлмаяпти. Қўнчилик фикри билан ҳеч қим ҳисобламаяпти. Бунинг сабаби автобусларнинг йўналишига оз миқдорда ажратилганганини ёки йўлда бузилиб қолганлиги вақ қилиб кўрсатилмоқда.

Маълумки, хар сафар транспорт харажатларининг оширилиши сабаблари қилиб, эҳтиёт қисмлар ва ёқилғи маҳсулотлари нарҳининг қўнчилиги кўрсатилди. Вақолачи, бунинг ижобий томонга ўзгариши ҳеч бир самара бермаёпти. Қўнчилик автобусларда ўриндиқлар синган, ойналари йўқ, туғчиқари синган.

Анча йиллардан бери транспортга қат тулашининг қатновчи назимонаси аҳвали қилиб келинган. Демак, қандайдир фоз нҳд тул автокорхона ҳисоб рақамига қилиб тушад. Бирок бу пуллар ўз-ўзидан ҳайдовчи хавфни қўнчилик кўрмайди, шу сабабли қўнчиликлар рия этишмайди. «Сабби» анқ бизда қатновчи, уларда эса «режа». Бундай ҳолини узлуксиз равишда «31, 30»-маъзе, «Маҳалла», «Чойхона» ва «Қатта қўнчи» тўхташ жойларида қўнчи мўмин. Айниқса, 74, 94-йўналишда қатновчи автобуслар аҳолининг қатновчи эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Хуллас, юқорида қайд этилган қатновчи ва нуқсонларнинг одди эътибор билан олиниб, бирон-бир ижобий чора-қарор кўрилмаса, қўнчилик қўнчиликлар аҳоли транспорт хизматидан жуда ҳам қўнчилик бўлиши мўмин.

Акмал Икромов туманидаги 30, 31-маъзе-маҳаллардан кенгашилари ҳамда Чилонзор туманидаги Ал-Хоразмий, Бўстон, Гулистон маҳаллалар кенгашилари номидан:
Д. НИҒМОНОВА,
А. МУСЛИМОВА,
Н. ЗОКИРОВ,
Й. АБДУРАҲМОНОВ,
А. МАҲМУДОВ.

САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАР

Бугунги кунда мамлакатимизда механика фани соҳасида амалга оширилаётган тадқиқотлар халқ хўжалиги ривожига муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик муҳаббатлиги институт олимлари самарали илмий изланишлари натижасида юзга келатган энг техника ва қурилмалар мамлакатимиз иқтисодиёти истиқболларини таъминлашда муҳим амалий аҳамият касб этаётганини айтиб ўтиш жоиздир.

Ўзбекистонда йирик илмий нуфузга эга бўлган бу тадқиқот ўчоғи шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида бир неча ишланмани нийосига етказди. Улардан аксариятини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш мақсадида институт «Узавтосаноат» уюшмаси, «Агро-ромаш», «Ўзтемирйўлтаммирлаш» каби корхоналар билан ҳамкорлик ўрнатди.

Биз амалга ошираётган қатор изланишлар Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси дастури бўйича олиб борилди, — дейди институт директори Анвар Ризаев. — Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жағмармаси грантларини қўлга киритдик. Ана шу грант маблағлари асосида ўнга яқин илмий тадқиқотлар олиб борилди. Шунингдек, халқаро грант бўйича амалга оширилган тадқиқот ҳам яқин самара берди.

Фан

Институт олимлари тадқиқотлари қўлами кенгайиб бормоқда. Бу эса халқаро илмий алоқаларни кенг йўлга қўйишда муҳим омили бўлмоқда. Зеро, Россия Фанлар академиясининг Механика муаммолари институти, Москва Давлат университетининг Механика институти, Украина Фанлар академиясининг Геофизика институти каби йирик илмий марказлар билан ҳамкорлик муҳаббатлиги бормоқда. АҚШнинг геология жағиятлари билан илмий маълумотлар асосида баҳариллаётган изланишлари ҳам самарали давом этмоқда.

Ақбар АЛИЕВ.



Тошкентдаги 551-болалар боғчасида тарбиявий ишлар яқин йўлга қўйилган. СУРАТДА: тажрибали тарбиячи Гулчехра Хусанова болаларга буюк аждодларимиз ҳақида сўзлаб бермоқда.

«Оқшом»нинг ҳуқуқий маслаҳатхонаси СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

САВОЛ: Агар савдо ходими харидор ёки буюртмачини алдаса унга қандай чора қўлланилади?

ЖАВОБ: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Қодексининг 165-моддасига асосан, «Мулкчилик шаклидан қатъий назар аҳолига товарлар сотишни амалга ошираётган ёки хизматлар кўрсатаётган корхоналарда, шунингдек савдо ёки хизматлар кўрсатиш соҳасида шугулланаётган

шахслар томонидан энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан ошмаган миқдорда ўлчовдан, тарозидан, пулдан уриб қолиш ёхуд харидорни ёки буюртмачини ўзгача тарада алдаш — энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

Ойбек ИСОКОВ, ҳуқуқшунос.

Мустақил мамлакатимиз ўз Конституциясини 1992 йил 8 декабрда қабул қилди. «Шу маънода, — деб қайд қилди мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов, — Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттирди. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир». Демак, Конституциямиз ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилиб, дунё микросида хар қандай давлат Конституцияси билан бемалол беллашмоқда.

Конституциямизнинг энг муҳим моҳияти шундан иборатки, унда «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жағият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар, яъни фуқаролар манфаатининг устулиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва қафолатланган», деб таъкидланади.

Собик тузумда бундай фикрни ҳеч қим хавлига ҳам келтира олмас эди. Ҳозирги пайтда инсонпарвар ва адолатли Ватанимизда хар бир шахс, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, қўз қорачиғидек асралиб, давлат ҳимоясидадир.

Умуман, Ўзбекистон фуқаролари ўзларининг насл-насаби, ирқи, миллати ва элатидан ҳамда бошқа ҳолатларидан қатъий назар, тўла ва даҳлиси тенг ҳуқуққа эгадирлар. Бош Қомусимиз «Ўзбекистон фуқароси» деган ажойиб, қўйма атамани юзга келтирибди, бу эса шу юртда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва миллий анъаналари ҳурмат қилинишини қафолатлайди.

Инсон ҳамиша эркин ва ҳурфикрли бўлиб яшаш учун интилади. Унинг ўз эътиқоди, қатъий ғояси ва мафқураси бўлади. Шу жиҳатдан Конституциямизда виждон ва диний эътиқод эркинлигига алоҳида ўрин берилган. Виждон — бу имондир. Инсоннинг покланиши, жағиятнинг руҳий-ахлоқий жиҳатдан соғломлаша боришида диний-ахлоқ ижобий роль ўйнайди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг «Қаерда қонун ҳукронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади» деган сўзларини тарихимиз саҳифаларига, умуман кўзга қўринарли жойларга зарҳал харфлар билан ёзиб қўймоқ керак. Қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳоқимияти давлатнинг ўчта таъниқ эканлигини хар бир фуқаро бир дақиқа ҳам унутмаслиги лозим.

Асосий Қонунимизда, миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини шакллантириш олдимизда турган ниҳоятда муҳим вазифалардан деб қайд қилинган. Миллий истиқлол мафқураси ўзбек халқи ва ўзбекистонликларнинг тарихий анъаналари, удумлари, тили, дини, руҳиятига асосланиб, истиқболли келажак туйғуларини онгимизга сингдиришда хизмат қилади. «Миллий йстиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласидаги асосий

фикрлар ҳам Конституция талабларидан келиб чиқиб, Ватан озодлиги ва ободлиги, юрт тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги бош мақсад қилиб қўйилган.

Эркин, демократик ва ҳуқуқий давлат қурапмиз. Худудий ахлитлик, можароларни музокаралар йўли билан самарали олиб бориш ташқи сўбатишимиз асосини ташкил қилади. Бу Президентимизнинг Фарбу Шарҳда изчиллик билан олиб бораётган сўбатида намоён бўлмоқда. Маънавий-маданият қадриятларни янада юксалтириш бугуннинг долзарб талабидир.

«Маънавий қадриятларни ва ахлоқий салохиятни тиклаш оқибатида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар, ижтимоий ҳимояни кўзда тутган ҳуқуқий демократик дав-

Конституциямиз яшамоқда ва амал қилмоқда


ХАЛҚИМИЗ ИРОДАСИ ВА РУҲИЯТИ ИФОДАСИ

лат пойдеворини қуриш даврига қадам қўйдик», дейди Юртбошимиз мустақиллигимизнинг истиқболига муносиб баҳо берган ҳолда. Президентимизнинг жонли мулоқотлари, Олий Мажлис сессияларидаги маърузалари буюк Ўзбекистоннинг келажаги парлоқ тамойилларини эътироф этади. Бу асосан Конституциямизда Президентимиз қайд қилганидек, жағияки дунёвий неъматлар орасида энг улуги — Инсон деган фикр илгари сурилди ва фуқаро — жағият — давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг тўла ва оқилона ҳуқуқий ечимини тоғилди ҳамда амалга оширилмоқда.

Конституциявий тамойилларнинг халқ онгига сингиб кетиши ҳамда унинг жағондаги ривожланган мамлакатлар ўртасида обрў-эътибор қозонишида — инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни анғлаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жағонда эътироф этилган қондаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечирешларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жағият барпо этиш ва ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ҳамда миллий ҳамжиҳатликни қафолатлаш каби олийжаноб мақсадлар ниҳоятда қўл келмоқда.

Мустақиллиқнинг бош мақсади ўзбек миллати иззатини жоғига қўйиш эди. Бу айни ўзбекистонликлар — юздан ортиқ элат, миллат ва этник гуруҳлар вакиллари учун таалуқли бўлиб, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда Конституциямиз талаблари амалга оширилаверади. Миллатлар обрўси-эътибори қамол тоғаваради. Бахтимиз Қомусининг буюк мақсади ҳам ана шунда.

Карим НОРМАТОВ, профессор.



Пойтахтимиздаги кўпгина корхоналар қаторида «Растр» кўшма корхонаси ҳам муваффақиятли иш юритиб келмоқда. Бу ерда бугунга келиб 20 хилдан ортиқ турли матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқаришда. СУРАТЛАРДА: (чапда) Малика Мўминова ва Шоҳиста Собировалар маҳсулотларнинг сифатини текширишмоқда; (ўнгда) энг цеҳдаги замонавий дастгоҳлар.

Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий комиссияларида

Маълумки, бюджетнинг асосий манбаи барча турдаги тўловлар ҳисобланади. Уларнинг мунтазам, вақтида тулиши эвазига иқтисодий ислохотлар жараёни тезлашиб, халқ хўжалигининг барқарор ривожланиши, давлатнинг муҳим тамойилларидан бири бўлиши кучли ижтимоий ҳимоянинг амалда таъминланиши, умуман олганда халқнинг фаровонлиги юқори даражада бўлишига бевосита замин яратилади. Лекин бу механизмнинг тақонил ишлаши учун ҳали кўп амалий чора-тадбирлар даркор.

Бу муҳим масала устида Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари ҳам солиқ, молия, банк соҳалари мутахассислари билан биргаликда мониторинг ўтказиб, тўловлар интизомини ўрганиш жараёнида халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар механизмининг тақониллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш ҳамда пул-кредит сўбати бўйича шаҳар икки комиссиясининг фаолиятини асос қилиб, ўз таҳлил ва тақлифларини қўнчи-кеча бўлиб ўтган маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиянинг гадаги йилги ишга тақдим этилди.

Биринчи комиссия корхоналараро дебитор ва кредитор қарздорликнинг таҳлилини ўтказида ва тегишли чоралар қўришга вақолатли ҳисобланади. Маъмур комиссиянинг жорий йилдаги амалий ишлари устида шунч айтиш мўминки, 2000 йилнинг 9 ойи

давомида 3053 та дебитор ва кредитор қарзлар бўйича текширишлар ўтказилган, шундан 217 та хўжалик ташкилотига тартибузгарликка йўл қўйилганлиги аниқланган. 57 та корхона 185,2 миллион сўмлик олдиндан 15 фоизли ҳақ олмасдан маҳсулот жўнатган, иш баҳарган, 87 та корхона бўйича 257,1 миллион сўмлик муддати ўтган дебитор ва кредиторлик қарзларига солиштирма далолатномалар тузилмаган. Натижада

169 та ҳужжатлар солиқ, 72 таси прокуратура органларига берилган, 47 та хўжалик раҳбарларига 2290 миғ, сўмлик жарима солинган. 20 октябрь ҳолатига ўзаро қарз суришиш схемаси бўйича жағи 87396,1 миллион сўмлик дебитор, 76913,7 миллион сўмлик кредитор қарзлар сўндирган.

маблағлар муомаласининг тақонил бўлишига маъсўл ва унинг асосий вазифаси — нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш, хўжалик субъектларининг қасса муомаласини юритиш тартибига рия қилиш; қасса режаларининг баҳарилишини ва иш ҳақларининг вақтида таъминланишини назорат қилишдан иборат. Комиссиянинг фаолиятига асосан тўққиз ойга белгиланган қасса режасини таъминлаш мақсадида 566 та корхона текширилган, улардан 321 тасида тартибузгарликлар аниқланган. Текширув натижаларига кўра 43 та жинойи иш қўзғатилиб, прокуратура ва суд идораларига 54 та иш оширилган. Йўл қўйилган қамчиликлар

га оид 193 шахс 4761,8 миғ сўмлик жаримага тортилган. Шунингдек, шу йил тўққиз ой якунилари бўйича икки комиссия томонидан иш ҳақи қарзларини қисқарттириш мақсадида 1494 та ташкилот ва корхона текширилиб, 284 та раҳбарга 2010,7 миғ сўм жарима солинган, 645 та корхона иши эса прокуратура идораларига берилган.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг комиссия йиғилишида шунингдек, пойтахт товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг фаолияти тўғрисида ҳам аҳборот тингланиб, қичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишида палатанинг фаолигини қўнчатириш борасида жорий қилинган бир неча норматив ҳужжатларга қўшмалар киритилиши устида депутатлар томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ильмира ЗАЙНУДИНОВА.

КУН ТАРТИБИДА — ТЎЛОВЛАР МАСАЛАСИ

Бобур Мирзонинг ватанида унинг шоҳ асарини ўрганиш анча эрта бошланган. XVIII асрнинг бошида, аниқроғи 1714 йилда Бухорода «Бобурнома»нинг Бухоро нусхаси деб юритилган кўлемаси сотиб олинди. Кейинчалик шу нусхани Санкт-Петербургда ўрганиб чиқилиб, ундан нусха кўчирилди.

Мазкур нусха асосида 1857 йилда «Бобурнома»нинг биринчи нашри Қозон шаҳрида чоп этилди. Фиждунлик Мулла Абдулваҳоб кўчирган ва «Вақоийнома-ей подшохий» деб аталган бошқа бир кўлемаси 1824 йилда Петербургда келтирилди ҳамда О. Сенковский ундан нусха кўчирди. Сенковскийнинг аниқлашича, ушбу кўлемаси 1709 йилда ёзиб тугатилган ва ундан 1809 йилда нусха кўчирилган.

А. Беверих номи ғалатроқ деб мазкур кўлемасга ишонсизлик билан қараган. Шундай бўлса-да, Бобур Мирзонинг юртида «Бобурнома»га қизиқиш энг аввал бошланганлиги аҳамиятга моликдир.

Ўзбекистонда XX асрнинг 40-йилларида «Бобурнома» буйича, баъзи бир истисноларни айтмаганда, деярли салмоқли иш қилинмаган. Бунга асосан Шўролар ҳукмронлиги даврида олиб борилган сиёсат — миллатнинг атоқли шахслари — олим-муфозило, шоиру мусаввирларнинг ҳаёти ва ижоди, бир сўз билан айтганда, ўтмишга, миллий қадриятларни ўрганишга бўлган салбий муносабат, миллатни ўз ўтмишидан узиб қўйишга қаратилган сиёсат сабаб бўлган.

Профессор Фитрат тузган «Ўзбек адабиёти намуналари» номли хрестоматияда (1928 йил) «Бобурнома»нинг Хиндистонга оид қисмидан парчалар берилган. Лекин Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, жумладан «Бобурнома» буйича жиддий тадқиқотлар 40-йиллардан эътиборан бошланди. С. А. Азимжоновнинг ёзишича, бу ҳол 1947 йилда Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ эди, чунки А. Навоийнинг ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлган Хирот ва Самарқанддаги маданий ҳаётни тасвирлашда олимлар «Бобурнома»ни четлаб ўта олмадилар.

Шу муносабат билан бир қатор илмий мақолалар чоп этила бошлади. П. Шамсиев ва С. Мирзаевлар томонидан 1948-49 йилларда «Бобурнома»нинг икки жилдиги ҳозирги ёзувга табилий қилиниб, чоп этилиши ҳамда 1960 йилда мазкур асарнинг академик нашрининг чиқиши

катта воқеа бўлди.

Мазкур нашрлар ва 1958 йилдаги русча таржиманинг чоп этилиши туфайли «Бобурнома»ни турли жиҳатдан тадқиқ этиш бошланди, бир қатор номзодлик диссертациялари ёқилди, китоб ва мақолалар чоп этилди.

Таниқли оlima, тарих фанлари доктори, академик Сабоҳат Азимжоновнинг бобуршуносликда хизматлари алоҳидадир. Ярим ас-

Неъматжон Отажонов «Бобурнома»нинг хорижий тилларга таржимаси ва бадий таржимасида илмий шарҳ масалалари билан шуғулланган олимдир. Унинг номзодлик ва докторлик диссертациялари, мақола ҳамда рисоалари шу мавзуга бағишланган. Н. Отажонов таржимасида илмий шарҳ масаласи билан шуғулланган биринчи олимдир.

Хасан Қудратуллоевнинг «Бобурнома» буйича ёқилган докторлик диссертацияси ўтмиш қадриятларимизга янгича ёндашуви, истиқлол мафқураси акс этганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистоннинг мустақиллик арафасида ва айниқса мустақиллик йилларида қадриятларимизнинг тикланиши, ўтмишимизга муносабатининг ўзгариши натижасида кўплаб улғ-

ишлар амалга оширилмоқда. 2000 йил 22-24 майда Самарқанд шаҳрида «Бобур ва бобурларнинг жаҳон цивилизациясини ривожлантиришдаги мактеби» мавзусида Халқаро илмий анжуман ўтказилиши фикримизнинг далилидир.

2000 йил кузида «Бобурнома» яратилганининг 470 йиллигини нишонлаш буйича тадбирлар ҳам мазкур буюк асарга, унинг муаллифига бўлган ҳурмат рамзидир.

Эндиликда жаҳон миқёсида бобуршунослик соҳаси шаклланди. Бобур Мирзонинг ҳаёти ва ижоди, адабий-илмий меросини тўла қамраб оладиган яхлит тадқиқот борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтириш лозим. Ўзбек олимларининг сый-ҳаракатлари ва Республика ҳукуматининг кўмагида Бобур Мирзо яратган барча адабий-илмий меросларни «Тўла асарлар тўламини» шаклида чоп этишга қарор қилинди. Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 520 йиллигига бағишланган мазкур академик нашр беш жилдан иборат бўлиб, унинг икки жилдини «Бобурнома» ташкил этади.

«Бобурнома»ни оммалаштиришда академик Х. Сулаймон тайёрлаган миниатюралар нашри алоҳида ўрин тутади.

Ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланган мазкур нашрнинг саккиз марта чоп этилганининг ўзиёқ унинг нақадар мақбۇл бўлганини кўрсатади. Мирзо Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, жумладан «Бобурнома»ни ўрганиш, тадқиқ этишда Бобур номли Халқаро жамғарма, хусусан, «Жамғарма» расиси Зокиржон Машрабовнинг фаолияти, сый-ҳаракатлари мақтовга лойиқдир.

«Бобурнома»ни оммалаштиришда таниқли ёзувчиларнинг бадий ва саҳна асарлари ҳам катта роль ўйнади. Жумладан П. Қодировнинг «Юлдузи тунлар» (Тошкент, 1981) романи ва видеофильми, Хайридин Султоновнинг «Бобурнинг тушлари» (қиссалар, ҳикоялар, эсселар, Тошкент, 1993) ҳамда шу муаллифнинг «Бобурнома» (Тошкент, 1997) номли маърифий романи шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда «Бобурнома»ни ўрганиш буйича талай ишлар қилинди ва қилинмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида бу соҳада амалга оширилган ишлар кўламини кенгайтириш «Бобурнома»ни тадқиқ этишда кўплаб олимлар ўз ҳиссаларини қўшдилар ва кўшмоқдалар.

Ансориқдин ИБРОХИМОВ.

«БОБУРНОМА»НИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРГАНИЛИШИ

Қадриятларимиз

рдан зиёд давом этган илмий фаолият мобайнида номзодлик ва докторлик диссертациялари, ўнлаб рисола ва мақолалари Бобур Мирзонинг ҳаёти ва ижоди, хусусан «Бобурнома»ни ўрганишга бағишланган.

Бобуршунинг Қобул улуси ва Хиндистонда олиб борган сиёсати, дипломатияси, хусусан иқтисодий сиёсати, талқини ва стратегияси, ютуқ ва камчиликларини тушунишда С. Азимжоновнинг асарлари бежиз аҳамият касб этади. Табиийки, бу тадқиқотлар асосан «Бобурнома» асосида олиб борилган.

У халқаро миқёсда шуқрат қозонган олимдир. 1980 йилда Мирзо Бобурнинг 500 йиллиги муносабати билан ЮНЕСКО нашр этган «Бобурнома»да француз, ҳинд, афгон олимлари билан бир қаторда олимнинг ҳам иштироқ этиши унинг бобуршуносликдаги хизматларини жаҳон миқёсида тан олинганлигини далolatлар.

Хосият Назарова «Бобурнома»ни тил жиҳатдан ўрганишга муносиб ҳисса қўшган олимдир. Кўплаб мақола ва рисоалари шу мавзуга бағишланган бўлиб, Бобур асарлари буйича ҳозирча ягона ҳисобланган лугат ҳам шу олимнинг қаламига мансубдир.

сиймоларга, жумладан Бобур Мирзо шахси-га, унинг шоҳ асарига бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди.

1990 йил кузида «Бобурнома» яратилганлигининг 460 йиллиги биринчи марта кенг нишонланди. Шу муносабат билан матбуотда кўплаб мақолалар босилиб чиқди.

1993 йил давомида Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллиги кенг нишонланди. Февраль ойда Андижон шаҳрида шу сангага бағишлаб «Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари» деган мавзуда илмий анжуман билан тадбирлар сансиласи бошланди. Анжуман материалларининг ақсар қисми «Бобурнома»га бағишланган. Йил давомида матбуотда мақолалар эълон қилинди, шу қутлуг сангага бағишлаб айрим китоб ва рисоалар чоп этилди.

Бобурларнинг Хиндистондаги авлодлари вакиллари иштирокчи йил охирида ўтказилган тадбир оқибати таъналарига яқун яқиндир. Мустақиллик йилларида қадриятларимизни тиклаш ва ўрганишга, буюк сиймоларимиз, хусусан Бобур Мирзони эъзозлаш, ўрганиш, тарғиб қилиш буйича тобора кўпроқ

Воизга ёрдам

Воизга ёрдам. Ана шу руқн билан Республика «Маънавият ва маърифат» маркази қатор рисола-ларини нашрдан чиқарди. Уларда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоладаги «мавжуд мавзуларни атрофда, илмий-оммабоғ усулда тушунириб беришга ҳаракат қилинган. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси хомийлигида «Маънавият» нашриётида чоп этилган китобчалар билан қўйида танишасиз:

«МИЛЛИЙ ҒОЯ МОҲИЯТИ»

Муаллиф Абдурахим Эркаев миллий ғоя ва миллий мафқура ҳақидаги дастлабки мушоҳадалари билан ўртоқлашади. Бу тушунчалар Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар ва элларнинг мафқура-ларини, республикамизда мустақиллик шарофати билан қурилаётган эркин, демократик, фуқаролик жамият мафқура-ларини ифодалайди ва шу жамият ривожига хизмат қилади. Шу жиҳатдан уни шаклландирган фуқаровий жамият мафқураси дейиш мумкин. Рисолада мамлакат истиқлоли, келажаги ва жамиятимизнинг олий мақсадларидан келиб чиқиб, миллий ғоя ва мафқуранинг оммани буюк келажақ сари етаклаш ва руҳлантиришдаги аҳамияти ҳақидаги фикрлар ўртага ташланган.

МИЛЛИЙ МАФҚУРА — ХАЛҚ ТАЯНАДИГАН КҮЧ

Кўл билан ушлаб, кўз билан қараб, тарозига тортиб, эни, буйини ўлчаб кўриш мумкин бўлган нарсалар — муайян тушунчалар. Уларни фарқлаш осон. Аммо мавҳум тушунчаларни теран англаб олиш, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, ўхшашлик ва фарқларни нозик ҳис этиш унчалар осон эмас.

Миллий мафқура нима? Миллий ғоя-чи? Бу икки ўта муҳим тушунча маънавият ва маърифат тушунчалари билан қандай боғланиди? Муаллиф Султонмурод Олим ўз рисо-ласида ана шу ва бошқа қатор саволларга жавоб ахтаради.

МАФҚУРАВИЙ ИММУНИТЕТ

Миллий истиқлол мафқурасини соф инсоний муносабатлар ва ҳис-туйғулар асосида кўра оласак, ҳар бир фуқаронинг энг нозик кечинмаларига, ҳиссиётига таъсир этадиган ғоя даражасига кўтара билсак, унинг таъсирчанлиги, даъваткорлиги ошади. Ана шунда бошқа ҳар қандай бегона ғоялар йўли тўсилади, — деб ёзади муаллиф Нарзулла Жўраев. — Мафқуравий иммунитет бошқа ҳар қандай бегона ғояларга ғоя бўла оладиган ғоя бўлмоғи керак. Ғояга қарши ғоя билан курашмоқ ва баҳсга киришмоқда бугун катта ҳаётий ва маънавий эҳтиёж сезилмоқда. Китобда ана шулар ҳақида хикоя қилинади.

МАФҚУРА: ТАЪСИРЧАНЛИК ВА УСЛУБ

Бу китобчада Миллий ғоя ва истиқлол мафқурасини кенг халқ оmmasига синдиришнинг самаралари йўл-йўриқлари ва усул-усулларига ҳақида гап боради. Мафқуравий тарғибда таъсирчанликка эришиш ҳар қандай воизнинг энг катта ютуғидир.

Бунинг учун нутқ аниқ мақсадга қаратилган ва аввалдан режалаштирилган бўлмоғи керак, — дейди муаллиф Муҳаммаджон Қуронов. — Айнан шу хусусда ҳам ўз мушоҳадаларини ўртага ташлайди.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ — МИЛЛИЙ МАФҚУРАНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Рус тилида чоп этилган мазкур рисола Шавкат Қурбонов ва Эдем Сеитхалиловлар қаламига мансуб. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан миллий истиқлол мафқураси ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар баён этилган. Бошқа бир қатор омишлар билан бир қаторда янги авлод вакиллари мамлакатимиз буюк келажагини яратишда олижаноб мақсадларга эришишда уларнинг муносиб ҳис-ларини қўйишларига алоҳида ургу берилди.

ИСЛОМ ВА МАЪЖАБЛАР

Китобчани шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисм: Ислам динида эътироф этилган йўналиш ва маъжаблар. Иккинчи қисм: ислом динида эътироф этилмаган маъжаблар ҳамда замонавий диний-сиёсий партия ва оқимлар. Уларнинг иккинчиси биринчидан кўпроқ Исламнинг икки муқаддас манбаи — «Қуръон» ҳам, Ҳадис ҳам тафсири, шарҳ, изоҳ, тушунириш талаб қилади. Ана шу тушуниришларда фарқ бўлгани сабабли ҳам динимизда турли оқимлар — маъжаблар юзга келган. Ҳўш, улардан қайси биримизга ҳақ йўлини кўрсатади?

Зухриддин Хусниддинов ўз китобчасида ана шулар ҳақида фикр билдиради. Рисола ислом ва маъжаблар хусусида ўзбек тилида маълумот беришни дастлабки нашрлардан бири эканлиги билан ҳам эътиборга лойиқдир.

ИСЛОМ — МАЪРИФАТ ДИНИ

Ислам маърифати маънавиятимизнинг таркибий қисми бўлиб, у эътиқод эркинлиги сифатида дахисиздир. Аммо диний экстремизм, маъжабпарастлик, ақидабозлик ўта ҳавфли ҳодиса. Профессор Наҳиддин Комиловнинг ушбу рисоласи билан танишар экансиз, бизни оқил ва ориф этадиган, диний таълимотларни ўрганишимиз, жаҳолат ва тубанликка, айирмачилик ва маданиятсизликка — тортидиган оқимлар, иллатлардан узоқ туришимиз, жамиятимиз ақиллигига раҳна солдиган гуруҳлар таъсирига берилмаслик даркорлигига яна бир қарра имон келтирасиз.

ДИН, АҚИДАПАРАСТЛИК ВА ТАҲДИД

Диний ақидапарастлик маъвум сиёсий мақсадлар йўлида ва дин никоби остида му-таассиблар ёки уларнинг иродасига кўра шу қўрувчи гуруҳлар томонидан олиб бориладиган ўта ашаддий ҳаракатлар ва қарашлар мажмуини англатади. Ёки у муайян диний йўналиш ва тақлидлардаги ашаддий мутаассиб усурлар сиёсий фаолиятнинг мафқураси. Китобчада ақидапарастларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларининг мустақиллигининг, мамлакатимиз халқининг осойишталиги, тинч тараққиётга солаётган таҳдиди ҳақида муаллиф Баҳоқир Ирисов ўз қарашларини баён қилади.

ИМОН МОТУРИДИЙ МЕРОСИНING МОҲИЯТИ

Убайдулла Уватов қаламига мансуб мазкур китобчада ақиндагина таваллудининг 1130 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланган алломайи Кирослардан бири Имом Мотуридий меросининг моҳияти ҳақида гап боради. Ҳуқуқчи истибодот замоналарида номини тилга олиш ҳам мушкул бўлган яна бир юртбошимиз ва унинг илмий-маърифий ижоди хусусида муайян тасаввурга эга бўлади.

БЕҲЗОД ВА ТАМАДДУН

Йиллар, асрлар ўтаверди, ҳам бир замон кишиларни буюк истеъод эгаси Камолдин Бехзод маънавий заҳи-насига қайта-қайта мурожаат этавердилар, — деб ёзади ўз рисоласида муаллиф Турсунали Қўзиев. — Китобчада Бехзоднинг ҳаёти ва фаолияти, у яратган миниатюра мактаби, унинг жаҳон тамаддунига қўшган муносиб ҳиссаси ҳақида гап боради.

1 декабрь кўни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида юқорида ўқувчиларимизга таништирган рисо-лалар бир қисмининг таҳмирий маросими бўлиб ўтди. Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда «Маънавият» нашриёти ташкил этган ушбу тад-бирда олимлар, мутахассислар рисоалар ҳақидаги ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси.

ШАРҚ ДУРДОЧЛАРИ

ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИШ ДОМО БУЛУР...

СЎВ ВА ДАРАХТ

Мен у олимни яхши билардим. Ўрта бўйли, сочлари оппоқ серрақарат киши эди. Олимлар шаҳарчасида тўй, маърака-маърид бўлса ҳаммадан олдин чиқиб турар, одамларни бошқариб боришга ҳаракат қиларди. Бир кўни қўшим Урғабой акага:

— Шу киши савобларда яхши одам-да, барча ўтиришлардан қолмайди, дафн маросимларида астойдил қатнашади, — дедим.
— Бунинг сабабини билмайсанми? — деди қўшим.
— Йўқ, сабаби ҳам борми? — деб сўрадим.
— Сабаби бор-да, — деди қўшим ва давом этди. — Бу киши русча тарбия олганлар, фалон институтнинг директор Урғабойнинг бўлиб ишлар эдилар. Ҳеч қим ҳақон унинг бирор маросимга аралашганини кўрган эмас эди. Барчамиз уни маломат қилардик. Бир кўни тўқсон-га қирган онаси тасодифан вафот қилиб қолди. Нима қилишни, кимнинг олдига боришни билмай гаранг бўлиб қолди. Махалла бундан хабар толиб, — дафн маросимини уюштириб юбордик. Маърака-маъридларини ўтказиб бердик. Шундан сўнг махаллага аралашадиган бўлиб қолди. Махаллада яна шунга ўхшаган бир-иккитаси бор. Улар молим бор, давлатим бор, амалим бор, ҳеч қимга ишим тўшмайди деб ўйлайдилар. Аммо, бошига иш тушганда кўзи мошдек очилади.

Бу сўзларни эшитиб турган бошқа қўшим:
— Балиқ сувсиз яшаёлмаганидек, одам ҳам одамсиз яшаёлмайди, — деб қўйди. Ҳақиқатан ҳам, «Хикматнома» китобида: «Инсон инсон билан тирек ва барҳаёт» дейилади:

*Бир даряхт қурбиди, ох, шўрешона,
Бошида қўшбур, ери — қошона.
Сўрасам дер: — Таъба сўниг бўлмас,
Шўдир ўлимизга олий нишона.*

УЛУҒ ТОҒ

Улуғ шарқшунос ва манбаашунос олим, академик Убайдулла Каримов оғир касалликдан сўнг вафот этдилар. Уларнинг шарқшунослик фанига қўшган ҳиссалари нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам машҳур эди. Олим Абу Али ибн Синонинг «Ал-Қонун фи-т-тибб» («Тиб қонунлари»), Абу Райҳон Берунийнинг «Сайданна фи-т-тибб» («Табобатда доршунослик»), Абу Бакр Розийнинг «Китоб сирр ул-асрор» («Сирлар сирри ҳақида китоб»)ларини таржима ва тадқиқ қилган, бошқа рисола ва китоблари ҳамда юзлаб мақолалари фанимиз тарққиётига қўшган улғу ҳиссаларидан эди.

Олимнинг қизи Сурайё ҳам отасининг изидан бориб, табобатда оид кўлемас асарларда доривор моддаларнинг ишлатилиши борасида докторлик диссертациясини тугатмоқда эди. Убайдулла Каримовнинг вафотида ҳаммадан кўра қаттиқ қуйган ва ўртанган ҳам Сурайё бўлди. Чунки отаси Сурайёга нафақат ота, балки меҳрибон устоз ҳам эди.

*Улуғ олим кетди ушбу оламдан,
Ёзади китоблари қолди жаҳонда.
Унинг ишларини давом эттирар,
Доню оқила қизи бу онда.*

Биз Сурайё ҳузурда унинг отаси ҳақида эмас, балки китоблари ҳақида ҳам сўз очолмас эдик. Сўз очдик дегунча унинг кўзларидан ёш оқа бошлади эди. Бир кўни Сурайё олимга кириб қолди. «Сайданна»даги бир масала хусусида сўз очдим. Қарасам, Сурайёнинг кўзларига ёш халқаланган. Қўроз-қаламини олиб, мана бу тўртликни ёздам ва унинг олдида қўйдим:

*Бунчалар гап чекиб, қуйманг Сурайё,
Тақдирга тан бериш, барча ўлади.
Илоҳимиз аўқдир сабур қилмасдан,
Агарчи «Улуғ тоғ» бугун қаласди.*

Сурайё шөрғи ўқиб, бош силкиди ва «ҳа» дегандек қулиб қўйди.

РОЗ ВА ЗОР

Дўстлардан бири бошқа бир дўст устидан шикоят қила бошлади. Айтишича, оилада бўлиб ўтган бир иш ҳақида унга бир сир айтган экан, у эса бошқаларга тарқатиб юборибди.

— Нима қилишини билмайман, — зорланар эди у, — ундан воз кечайми, яхшилаб уришиб, сўйкам!

Фойдаси йўқ, — дедим унга. — Сирни тарқатиб улгурипти. Бунга ўзинг айбдорсан, синамай туриб одамга сир айтиб бўладими? Узинг асрай олманган сирни бошқалар асрай олмас, таважжу қиладиган жойи йўқ. Сеннинг ахволинг «роз ва зор» ни эслатади.

— У нима экан?

— Эшит, — дедим ва мана бу тўртликни ўқидим:

*Чин дўстинг қаторда розга айланар,
Сирини фох қилмас, розга айланар.
Синамай, дўст, ден сирини айтма,
«Роз»нинг акси, қара, «Зор»га айланар.*

— Роз — сир дегани, — тушунириш унга, — мақлуб санъати буйича «рози»ни терсидан ўқисанг «зор» бўлади. Демак, розингни синалмаган кишига айтсанг «зор»нинг чиқади.

— Сен ҳам ўлганнинг устига тенган қилдинг, — деди у ва индамай чиқиб кетди.

ИККИ ШОГИРД

Кўз олдимизда икки шогирд бир устознинг этакидан тугдилар ва олимлик даражасига етдилар. Иккинчиси эса кўп ўтмай докторлик диссертациясини ҳам ёқлади. Унга офаринлар ўқидик. Шу пайт биринчи шогирд ичин-мизда эди. Ҳасад ўтди ёниб деди:

— У ҳушомадгўй ва лаганбардор, машинасида устозни у ёқ-бу ёқда олиб юриб, ёқлаб олди.

Ораминда дангал гапирувчи киши бор эди. Унга қарағата деди:

— Машинаси билан олиб юрган бўлса, устозга яхшилик қилибди. Бирок устоз уа ишнини йиғиштириб қўйиб, унга докторлик диссертациясини ёзиб бермайдими-ку. У йиғинни жуда яхши билмасди, одолиб-ахлоқли, устозини гонийда ҳурмат қилади. Бир варақ нараса ёзган бўлса ҳам, устозга ўқиб бериб, масхалат олади. Сен-чи? Сен устоздан қочиб юрасан, бирор иш буюрмасан эди деб, юрагинг пўқиллаб туради. Ухақон, қобилнинг бу бошқа нараса, кимда қобилнинг у қилган бўлса, у доимо юқори-лаб кетаверди.

Шогирд бу кишининг сўзларини лаблари ўчиб, зўра эшитди, тан олиш ўрнига «э-э» деб қўлини силтаб, чиқиб кетди.

*Той қанда қўшилди, лаззати бўлди,
Дон ери ўнда қўватли бўлди.
Ойга боқ, қўшининг ортидан қориб,
Одамлар наздида иззатли бўлди.*

КИТОБ

Баҳоуддин Нахшбанд ҳазратларига бағишланган «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нахшбанд» («Хожа Баҳоуддин Нахшбанднинг ҳаёт йўллари») номли асарни форсийдан ўзбекчага ағдарётган вақтим эди. Тунда бошимни китобга қўйиб ўқиб қолганим. Умр йўлдошим аста уйғотди ва ҳазил қилиб:

— Китобга қўлингизни босиб ётибсиз, китобдан овоз келаётганими? — деди.

— Бўлмасамчи, биласизми, қандай овоз эди? — дедим-да, мана бу тўртликни ўқидим:

*Уқуқга бош қўйдим, ёнида китоб,
Китобдан нозаҳон келди бир хитоб:
«Эй инсон, рафлатинг бандаси бўлма,
Умр оз, сўз каби ўтади шитоб».*

Маҳмуд ХАСАНИЙ тайёрлади.

Назм

ХАЁТНИНГ БОШИ

*Аллоҳ яратганда аёл зотини
Зувалага қўшмиш асал зотини
Гулиш нафислиги, назокатини
Завжалик саодат, сайдоқатини
Она бўлмақликдек юксак бахтини
Сулаймон тахтига монанд тахтини
Нозик адолиги, ширинг шахтини
Омухта айлағач шуларнинг*



Ёш техник ижодкор ўз медалини устозига кўрсатмоқда. Равиль Альбеков олган сурат.

Сув бермас куйдирги... Халкимизда шундай ибора борлигини билсангиз керак. Куйдирги... Бу куйдирги йўли билан давонладиган дард бўлиб, мен ашитганману бироқ кўрган ва кечирган эмасман. Куйдирги ҳеч нам кўрсатмай ўтади шекилли, шунинг учун бўлса керак, кимнингдир муомаласидан, килган ишидан кўнгил сув ичмаса, ўша шахсга нисбатан «сув бермас куйдирги» ибораси ишлатилган.

Хаёт дегани жуда мураккаб нарса бўлиб, унинг сўмоқларию у ёр-буринини чимдиб, ҳатто азоб чекишга олиб келувчи чангалзорлари, шу билан бирга бахт аталмиш катта, кенг, ёруғ йўллари бўлиб, кимдир нолиб, кимдир бахтиёр ҳаёт кечириб, эзгулик сари интилиб яшар экан.

Мен отамни элас-элас эсламан, отам урушда ҳалок бўлиб, онам раҳматли бошқа турмуш қурмай, ёлғиз фарзанди — мени ниҳоятда авайлаб, ардоқлаб вояга етказиб, неварали бўлиши олдидан ҳаётдан бевакт кўз юмди. Умр йўлдошим билан йиғирма йил бир-биримизга меҳр-муҳаббатли бўлиб яшадик, ҳаётимиз меваси, бахтимиз, ёлғиз қизимиз икки бўлмади. Оллоҳга шукр, ҳозирда тўрт набирали бўлиб, кўемиз қизим билан бахтли ҳаёт кечирмоқдам. Афсуски, ҳаёт боғимни янашатиб турган рафиқам икки набирали бўлганимизда ҳаётдан эрта кўз юмди. Мана ўн тўрт йил бўлди, бир ўғли билан ҳаётда омади юришмаган бир бева аёлга ўғлини яшаб келяман...

...Ўғилни уйлантирдик, ҳозир бир қизчалари бор. Афсуслар бўлсинки, ўғлимда менга нисбатан заррача бўлсин меҳр уйғонмади. Меҳр дегани соғломлаштирувчи дармондори эмаски, уни қон томирига юборсанг. Бўлиб ўтган ва бўлаётган воқеаларни эласам, шундай қилинганда ҳам нафи бўлмайдигандек наздимда.

Халкимизда «Бир болага етти қўшни оталик қилади» деган гап бор. Мен бўлсам қўшни эмас, ота бўлдим-ку унга, шунга қарамай ўғлим бир кун менга: «Мени терғашга нима ҳақингиз бор», деса бўладими... Бундай муомала менга қаттиқ таъсир қилганини, қанчалик огирлигини билсангиз эди.

Кунлар ўтиб, яна бир воқеа бундан ҳам огир,

бундан ҳам баттар бўлди. Аёлим келин билан бир жойга меҳмонга кетишиб, уйда ёлғиз ўғил билан қолдим. Аксига олиб кўргилик экан, охириги пайтлар машум хасталик боис тўшакка михланиб қолганман.

Ўғил тушлика дастурхон тузаб, ўзи ўтириб овқатлана бошлади. Шу уйда мен — бетоб отаси

— Бу ҳаёт бўстонида...

ҚАЛЪ НИДОСИ

ҳам борлигини ҳаёлига келтирмади, кўрмагандек, мен гўё йўқдек, хотиржам овқатланди. Икки қадам оралигида ўлтирган ўғил «бир пиёла чай, бир бурда нон берайми» демади. Эвоҳ, бу қандай кўргулик, бу қандай тўшбағирлик... Нақадар огир, муҳиш кўргулик. Ҳеч кимни бошига солмасин, бундай ўғил билан яшаш.

Кечки соат еттиларда аёлим келиб бир коса овқат, нон-чай тайёрлаб олдимга кўйди. Шу кўйи овқатланишим оралиги ўн икки соатни ташкил қилди. Шунда оилада ортиқча шахс эканлигини, хор бўлганини ҳис қилиб ўқиндим ва ўзимни ҳаёт чангалзориде кўрдим. Упкам тўлиб бағри-дилим эзлиб ўлтирганимда шириндан-ширин набирам «дода, дода» деб ёнимга келиб, мен билан эркаланиб гапиришлари, мени гапга тутишлари бир оз бўлсада, қоронғу кўнглимга чироқ ёққандек бўлди. Шунисига ҳам шукр.

Мен тавсифлаб бу ҳаёт машаққатларини, аҳволимни эшитган одам «ҳақиқатта тўғри кел-

майди» дейишга ҳақлидир. Чунки бир майзини қирққа бўлиб баҳам кўришдек ақл бовар қилмас олижаноб фазилатнинг халқимиз шаънига рамиш маънода айтилишининг ўзи халқимизнинг саховат, меҳр-оқибату иззат-иқром бобида қай даражада эканлигига берилган бекёкс катта баҳо эмасми?! Афсуски, гуруҳ орасидаги қурмак каби орамизда тошбағир, ноқобил фарзандлар ҳам бор бўлиб, бизнинг ўғил ўшаларнинг бири бўлиб қидди. Нафсиламбрини айтганда, Оллоҳ инсонларни жуфт билан яратган экан, мен каби тақдир илоҳий бевакт ўлим сабаб бошига беваали тушганлар иккинчи турмуш оstonасини ҳатлаб ўтарканлар, эзгу тилаклар билан кемтик бўлиб қолган оилани бутлайдилар, тиклайдилар. Бундай ишлар натижаси, янгича бир номни ҳам оладилар. У аксарият таъна тошларига дуч келадиган «ўғай» деб аталмиш номдир.

Умидла қурилган қаср — оилани шарофлаш, унга доғ туширмай покиза саклашлик, ўртадаги фарзандга беклик меҳрини бериб оиланинг сунъини ҳамда давомчиси қилиб тарбиялашдаги қилинган эзгу ишларни ўғил томонидан тўғри тушунилиши ўрнига, энг кераклиги мен — ўғай отага заррачагина меҳрини бериб, ота деб аташ ўрнига инсон шахсига нолойиқ ишлар билан уни камситиб, хўрлашгача бориши керакми? Қани энди «ўғай» деган ном эъзозла тилга олинсаю ўша ўғай ўзининг қаршида турган табассумли чеҳрадан кўнгли тўлиб, меҳр тўла кўчларни янада кенгроқ очилса, бунга нима етсин.

Ўзимни қанчалар ҳаёт чангалзориде кўрмайин, кимнингдир ёрдамига мутожлигимни тўла ҳис қилганим ҳолда ойнанинг ўн бешти ёруғлигига умидла боқиб, ишонч билан умр кечираман, ёд олганим муқаддас Ҳадиси шарифда келтирилишича, ҳаттоки яратган Оллоҳга ҳам манзур бўлган Мулойимлик ҳамда Вазимликни ҳаёт чангалзоридеги Йўли юлдиз деб биланман. Ана шу Йўли юлдиз инсонларнинг ҳаёти йўлларини ёруғ, бахтиёр ва фаровон эти туришини истардим.

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ,
I гуруҳ ногирони.

Бу ажиб дунё

АБДИЙ МУЗЛИКЛАР ҚАЪРИДАН ТОПИЛДИ

Германия шимолидаги абадий музликлар билан қопланган Тирол тоғидан бундан 5300 йил илгари яшаган одамнинг мурдаси топилди. Мурда қора қимматбаҳо муга ўралган эди.

Патолог Эдуард Эгартер ва ҳамкасблари ушбу топилма устида илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Тадқиқот натижалари шунини кўрсатдики, мурданинг бўйи 1,61 метр, оғирлиги 40 килограмм бўлган экан. Тадқиқотчилар музлатилган мурдани 10 даража илқикликка келтириш учун икки соат вақт сарфладилар. Эриган мурда устида олиб борилган иланишлар шунини кўрсатдики, қадимий аҳолилар уни абадий музлатиш санъатини жуда яхши билган эканлар.

Мурда махсус текширувдан ўтказилганда, унинг мухлақот соғлом бўлгани, фақат тиши баъзида огир тургани маълум бўлди. Ёни қизғин, мурданинг эркак ёки аёл жинсига мансублигини аниқлаш жуда қийин келмоқда. Хозирча тадқиқотчилар унинг юз тазуилини, шунингдек ёнидан топилган тақинчоқларни ўрганиб чиқиш, мурда эркак бўлган, деб тахмин қилишмоқда. Мамлакатдаги Инсбург университети олимлари эса топилганини асрлар оша бутун сақланганига асл сабаб унинг ҳеч бир жинсга мансуб бўлмаганлигидандир демоқда.

Хозирча мурданинг ким бўлгани ва у қандай қилиб энг замонавий усулга яқин даражада музлатилганини сирлига қолмоқда.

ТУШГА КИРМАГАН СЌБЌАТ

Ақли жаҳонни ҳайратда қолдириш қийин албатта, лекин йўлни топса бўлади. Франциялик Реми Брикнинг Тинч океани узра саёҳати ҳали ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаган бўлса керак.

Ақоиб қулларнинг бирини Реми Брик ортиқча шовшувсиз, тинчгина Лос-Анжелес шаҳридан Тинч океани узра Австралиянинг Сидней шаҳрига йўл олди. У ёнига қанозни эслатадиган чана қийди, қўлига эса ингилгина эшак олди, белига катамаранни боғлади ва ўзига оқ йўл тилаб уммон сатхи узра юриб кетди. Катамаранга озик-овқат, асбоб-анжомлар, хуллас, жаҳонгашта сайёҳнинг қўндалик айтишига нима керак бўлса ҳаммасини жойлади. Шунингдек, катамаран сайёҳ чарчаганда дам оладиган жой вазифасини бажаради. У Лос-Анжелесдан Сиднейгача уммон узра 12,5 миң километр масофани босиб ўтиши керак. Реми Брикнинг таъкидлашича, агар у кўнига 14 соатдан юрса яқин йилда манзилга етиб келади.

50 ёшли Реми Брик учун бундай саёҳат янгилик эмас. У 1988 йилда ҳам Атлантика океанидан Канаор оролларигача бўлган сув йўлини 40 кун давомида босиб ўтганди. Ушбу саёҳат унинг «Иннеснинг рекордлар китоби»дан жой олиши учун кифоя қилган эди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Реми Брикнинг саёҳати бошланган пайтда Тинч океанидаги шаронг Атлантика океанига қараганда анча огир бўлади. Тўлқин ва кучли оқимнинг таълими соатига 100 километрни ташкил этади. Шундай бўлса-да, кўрмас Реми Брик ҳурраат билан океан узра одам ташлаб уфқ бағрига сингиб кетди.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ МУЗЕЙИ

Яқинда Лос-Анжелесда Уэрсен Сенчури Лаза Отеланд-Тауэр меҳмонхонасида Американинг собиқ машҳур Президентларидан бири Рональд Рейганинг музейи очилди.

Рейганининг ўзи огир ҳасталиги туфайли музейнинг очилиш маросимида иштирок эта олмади. Унинг ўрнига раффидиси Нэнси Рейган ташриф бўлди.

Собиқ Президент аёлқимега касаллиги билан огирганидан буй Нэнси нафақат унга қараиди, балки барча расмий ва норасмий маросимларда умр йўлдошини мидан иштирок ҳам этади.

Бу кичик ҳажмада очилган музейдан Рейган ҳаёти ва фаолиятига бағишланган турли фотоларлар урин олган. Шунингдек, музейда собиқ Президентнинг болалик йиллари ҳақида хикоя қилувчи қўлаб суратлар ҳам муҳлисларда катта қизиқиш уюштириш, табиий.

Футбол • Футбол • Футбол • Футбол • Футбол • Футбол • Футбол • Футбол • Футбол • Футбол • Футбол

Халқимизда «Жўжани кузда санайдилар» деган ибора бор. Назаримизда бу ибора гўё футболга тааллуқлидек. Нега деганда ҳар йили 18 март — эрта баҳордан бошланадиган миллий чемпионат мусобақалари ноябрь ойларига келиб аяқланади. Хуллас, гапинг илалосини айтганда галвирини сувдан кўтарилган ёки жўжани кузда санайдиган вақт етиб келди. Яъни йил давомида муҳлисларни гоҳ ҳаёжонга солган, гоҳида ранжитган мамлакат тўққизинчи мавсуми поёнига етди.

Бу йилги мавсум ҳақида гапирганда ишқибозлар кўнгли анча-мунча хира бўлганини очиб айтиб ўтмоқ жоиз. Аммо шу билан бирга бу мавсум футболимиз ривож учун ҳали жуда кўп вазифаларни бажаришимиз зарурлигини ҳам кўрсатиб берди.

Бевосита чемпионатимиз хусусида сўз юритадиган бўлсак ишқибозларни ҳайратга соладиган воқеа юз бермади. Аммо қайд эттишга арзийдиган айрим ҳолатлар ҳам борлигини инкор этмаслигимиз лозим. Хусусан, яна мамлакат чемпионлигини қўлга киритган Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоасининг моҳир ҳужумчиси Жаъфар Ирисметов бу йил рақиблари дарвозасига 45 та тўп киритиб, ўзининг тўпурақлиги борасида қўлга киритган рекордини (34 та) янгилади. Худди шу мерганлар баҳсидаги Бахтиёр Ҳамидуллаев «Андижон» (33 та) ва «Насаф» жамоаси бомбардири Зафар Холмуродов (30 та тўп)лар ҳам йилдан йилга маҳоратлари шаклланиб бораётганлигини исботладилар. Яна бир қизиқ факт.

«Дўстлик» бу мавсумда рақиблари дарвозасини 109 марта ишғол этган бўлса, сўнгги ўринни эгаллаган «Те-

мирйўлчи» ўз дарвозасидан 104 та тўп ўтказиб юборди. «Нефтчи» эса бу йил ҳам бешинчи, маротаба кумуш

медал соҳибига айланган бўлса, Қаршиннинг «Насаф» жамоаси бронза медали соҳибиди бўлди. «Сўғдиёна», «Гулистон», «Хоразм», «Темирйўлчи» жамоалари сўнгги ўринларни эгаллаган бўлса-да, ўғли турлирида «Машъаъли» энгган жаззхликлар барибир олий лигада қолишди.

Пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилган «Пахтакор» ва «Трактор» жамоаларининг ҳолатига разм соладиган бўлсак, биринчи даврани ўзини учун билан ниҳоясига етказган пахтакорчилар иккинчи даврада анча муваффақиятли ўйинлар намойиш этиб, пировард натижада еттинчи ўринни эгаллашди.

«Трактор» жамоаси ҳар йилгидек яна беқарор ўйин намойиш этди ва бошқа жамоалар учун барибир ноқулай рақиб эканлигини исботлади. Тўққизинчи мавсумда тракторчилар ўзини учун яна сазовор эканликларини исботлашди.

Энди эътиборингизга яқиний жадвални ҳавола этамиз.

ГАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛДИ



	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1 «Дўстлик»	38	30	4	4	108-44	94
2 «Нефтчи»	38	28	6	4	96-32	90
3 «Насаф»	38	26	7	5	92-52	85
4 «Самарқанд-Д»	38	24	3	11	92-47	75
5 «Навбахор»	38	19	8	11	92-56	65
6 «Бухоро»	38	20	5	13	73-60	65
7 «Пахтакор»	38	17	9	12	68-52	60
8 «Андижон»	38	15	10	13	63-63	55
9 «Сурхон»	38	15	7	16	69-79	52
10 «Трактор»	38	15	6	17	64-52	51
11 «Қўзғилқум»	38	13	12	13	46-55	51
12 «Самур»	38	13	8	17	63-75	47
13 «Металлург»	38	12	8	18	44-58	44
14 «Кимёгар»	38	11	9	18	47-65	42
15 «Турон»	38	10	7	21	41-82	37
16 «Зарафшон»	38	8	10	20	37-72	34
17 «Сўғдиёна»	38	9	5	24	46-96	32
18 «Гулистон»	38	8	7	23	39-70	31
19 «Хоразм»	38	8	6	24	37-67	30
20 «Темирйўлчи»	38	8	5	25	54-104	29

Хулоса қилиб айтганда футбол — миллионлар ўйини. Чунки у ўзининг раванки-ю жозибаси билан доим ишқибозларни мафтун этади. Умид қиламизки, бошланаётган янги асрада ўзбек футболни ҳам ўзининг нималарга қодир эканлигини албатта намойиш этади. Зеро, буни 2002 йилги Жаҳон чемпионати финалига йўланма олиш мақсадида баҳорда бошланадиган саралаш мусобақалари ҳам тақозо этмоқда.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ.

Машҳур чарм тўп устаниси, бир умр «Пахтакор» жамоасида тўп суриб ўзининг бетақор ўйини билан барчанинг дилини забт этган Геннадий Красникийнинг футбол ишқибозлари яхши билишида, уни доимо эътиром билан ёлга олишди. Ушбу футболчиларнинг «Пахтакор» жамоасининг оёққа туриши ва эришган муваффақиятларида хиссаси каттадир. Унинг ўзбек футбол ривожига қўшган бекёкс хиссасини эътироф этган ҳолда Красникий ХХ асрдаги мамлакатимизнинг энг кучли футболчиси деб тан олингани ҳам бежиз эмас.

Шаҳримизнинг Бектемир туманида Г. Красникий хотирасини абадийлаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётгани эътиборга лойиқдир. Хусусан, тумандаги марказий стадионга футболчиларнинг номи берилган. Яқинда тумандаги 24-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва «АТЭК» очик турдаги ҳиссадорлик жамяти ақоиб ташаббусни амалга оширишди. Уларнинг бош-қошлигида Г. Красникий номидаги стадионга бетақор истеълод соҳиб таваллудининг олтинчи йиллигига бағишланган халқаро мусобақалар ташкил этилди. Шунинг айтиш керакки, мамлакатимиз футболда кенг ислоҳотлар бошланаётган, хусусан ёш иқтидорларнинг тарбиялаб етиштириш, миллий терма жамоамизни ёшартириш йўлида ҳаракатлар кетаётган бир пайтда Г. Красникий халқаро хотира мусобақалари 12-13 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтказилиши жуда оқилона иш бўлди.

Мусобақаларда Алматининг ЦСКА, Қозоғистон Республикаси Тараз шаҳрининг «Тараз» ва Қоратов шаҳрининг «Фосфорит», Тошкент вилоятининг «Тўйтепа», Бухоро шаҳридаги махсус мактаб-интер-

либековнинг маҳорати қўл келди. У қайтарган иккита пенальти орқали ёш бектемирликлар 4:2 ҳисобида галаба қозонишиб, мусобақа ғолиблигини қўлга киритишди. Мусобақа аяқунлангач,

ЁШ ИҚТИДОРЛАР КЎРИКДАН ЎТКАЗИЛДИ



нат, пойтахтнинг «Пахтакор», «Энергетик» ва 24-БўСМ жамоалари икки гуруҳга бўлинган ҳолда беллашилди. Беш кун давом этган баҳслардан сўнг кучлилар сараланиб, Алматининг ЦСКА ва Бектемир туманидаги 24-БўСМ жамоалари финалга йўланма олишди.

Ҳар иккала жамоанинг ниҳоятда кучли ва маҳорат бўлганда бир-бирига яқин бўлганиги сабабли финал баҳси ҳам кескин ва муросасиз ўтди. Ҳужумчилар дарвозаларни забт этиш учун қанчалик уринишмасин, асосий вақтда ҳисоб очилмади. Ғолиб пенальтилар баҳси натижаларига кўра аниқланганидан бўлди. Бу борлада эса 24-БўСМ дарвозабони Асилбек Тур-

унинг барча ғолиб ва совриндорларига турнир ҳомийлари — «АТЭК» ОТХЖ ва «Сувмаш» корхонаси томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар, дипломлар топширилди. Қувонарли томони шундаки, Г. Красникий халқаро хотира турнири келажакда аъёнанавий бўлиб қолади. Чунончи, 2001 йилги мусобақаларга Қирғизистон, Туркменистон ва Россия жамоаларининг ҳам таклиф этилиши режалаштирилмоқда.

Дилнод ИСРОИЛОВ.
СУРАТДА: халқаро мусобақа ғолиби — 24-БўСМ футболчилари. Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

Ёнги хавфсизлиги ойлиги БЕПАРВО БЎЛМАНГ

Халқимизда «Ўт балосидан асрасин» деган ҳикматли нақл бор. Бу нақл республикамизда шу кунларда давом этаётган ёнги хавфсизлиги ойлиги кунларида айниқса бот-бот ёдга келади. Зеро ёнгиликлар натижа-сида инсонларга етказибётган зин-заҳматлар ҳамма-мизга маълум. Аслида ёнги билан боғлиқ ақсарият аянчи ҳодисалар кўндалик турмушда одамлар томонидан йўл қўйилаётган бепарволлик, лоқайдлик, масъулиятни ўнгиб қўйиши каби иллатлар оқибатида рўй беришини таъкидлаш жоиз.

Ҳар йили ёр юзиде 4 миллионга яқин ёнги содир бўлмоқда. У катта миқдордаги давлат ва халқ мулкни йўқ қилмоқда. Ёнига бефарқ қараши, масъулиятсизлик ва қаровисизлик оқибатида минглаб одамларнинг ҳаёт чирогои сўноқда.

Ёнгиларнинг кўпчилиги фуқароларнинг турар жойларида содир бўлади. Бу ерларда ёнги чиқишининг асосий сабаби газли иситиш ва электр асбобларидан фойдаланишда, сигарета чекишда оддий ёнги хавфсизлиги қондаларига тўла риоя қилмаслик ёки қўр-

қўна бузишдан, электр симларнинг қисқа туташуви ва ёш болаларнинг гурут йўнашлари оқибатида содир бўлмоқда. Ҳар қандай ёнги бу йўқотишдир. Шунинг учун бор имкониятни ишга солиб, ёш болаларни уйда ёлғиз қолдирмаслиқни, уларга газ ва электр анжомларини ёкишни буюрмаслиқни, гурут йўнашга йўл қўймаслиқни, носоз электр анжомларини ўз вақтида кўздан кечириб, уларни тузатиб қўйишни, эскирган электр симларини алмаштиришга буюрмаслик керак. Агарда ёнги чиққудек бўлса дарҳол «01» телефон рақамли орқали ўт ўчириш хизматини ёрдамга чақирин керак.

Фуқароларимиз ўзлариде озгина бўлса ҳам масъулият сезиб эътиёткор бўлсалар, ўзаларининг ва фарзандларини ҳаётларини, мол-мулкларини ўт балосидан сақлаб қолган бўлардилар.

Абдували САПАРОВ, Мирзо Улугбек тумани 2-МХУУК инспектори.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес буйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кунни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМIZ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.

Бош муҳаррир **Ақмак АҚРОМОВ**

Манзилимиз: **700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

Муассис: **Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қороз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўттиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.